O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
26 SENTABR
PAYSHANBA
№ 120 (26.979)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

24 сентябрь. Вильнюс. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).

Литва Президенти қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Юксак мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Икки давлат мадҳиялари янгради.

Президентларнинг юзма-юз суҳбатида Литва раҳбари Валдас Адамкус давлатимиз раҳбарининг ушбу ташрифи икки мамлакат босиб ўтган йўлни сарҳисоб қилиш ва келгусидаги режаларни белгилаб олиш учун яхши имконият туғдирганини айтди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида ўзаро савдо-сотиқни ривожлантириш, иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, янги қўшма корхоналар тузиш, шунингдек, хавфсизликни таъминлаш, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш, Афғонистондаги тикланишга доир масалалар муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида Президентлар Ўзбекистон билан Литва ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолади. Шунингдек, ташқи ишлар вазирликлари, мудофаа маҳкамалари, божхона хизматлари ҳамда миллий университетлар ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

Шундан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида Президентлар Ўзбекистон — Литва муносабатларининг ҳуқуқий асоси мазмунан бойиб, қамрови янада кенгайганини таъкидлади.

Ислом Каримов Вильнюсдаги Антакалнис ёдгорлик мажмуини зиёрат қилди. Литва Республикасининг мустақиллиги йўлида ҳалок бўлганлар хотирасига бағишлаб бунёд этилган ёдгорлик пойига гул қўйди.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислом Каримов Литва Бош вазири Алгирдас Бразаускас билан учрашди. Бу икки сиёсатчи қадрдон дўстлардир. А.Бразаускас шу йилнинг февралида мамлакатимизда меҳмон бўлган эди. 1997 йили, у мамлакат президенти бўлган кезлари, Ўзбекистонга расмий ташриф буюрган. Ислом Каримов ва А.Бразаускас чет элларга олиб кетилган. Албатта, улар биз учун жуда азиз. Уларни мамлакатимизга қайтариб олиб келиш аҳамияти, энг аввало шу билан белгиланадики, улар орқали биз тарихимизнинг асл моҳиятини тушунишга, уни чуқурроқ идрок этишга, мустақиллик туфайли ўзликка қайтиш жараёнини тўлақонлироқ амалга оширишга муваффақ бўламиз. Шунинг учун ҳам бу масала Президентимизнинг диққат марказида бўлиб келган. И.А.Каримов Олий Мажлис ҳузурида Ўзбекистондан чет элларга олиб кетилган ва халқ бойлиги бўлган ҳужжатларни мамлакатимизга қайтариб олиб келиш бўйича махсус комиссия тузиш ташаббуси билан чиққан эди. Мана бир неча йилдирки, ушбу комиссия фаолият кўрсатмоқда. Айтиш жоизки, охирги икки йил давомида, унинг фаолияти аниқ натижалар келтира бошлади. Жумладан, бир вақтлар Россияга олиб кетилган тарихимизга оид муҳим ҳужжатлар билан танишиш мақсадида Россия Федерациясининг архивлари, унинг турли-туман илмий-маърифий маданият муассасаларида сақланаётган халқимиз даҳолари қўли билан яратилган нафақат тарихий ҳужжатлар, балки санъат асарлари, маданий буюмларни аниқлашга жуда катта эътибор берилди. Москва ва Санкт-Петербургда сақланаётган қимматбаҳо буюмлар жамланмаларида мамлакатимизга тегишли муҳим ашёлар борлиги аниқланди. Ана шундай давлатлардан яна бири бу — Буюк Британия. Империя Буюк Британияда бўлгани учун ҳам бу ерга бир неча асрлар давомида дунёнинг турли бурчакларидан маданий ёдгорликлар энг аввало, қўлёзмалар, тарихий ҳужжатлар, қолаверса қиммат баҳо буюмлар, ашёлар олиб келтирилган. Натижада бу мамлакатда сақланаётган бундай жамланмаларнинг аҳамияти фақатгина Буюк Британия империяси чегаралари билан чекланиб қолмай, балки унданда кенгроқ ҳудудларни қамраб олади. Шунингдек, у ерда бизнинг халқимиз, ватанимиз тарихига оид муҳим ҳужжатлар ҳам сақланади. Бу лардан ташқари яна бир қатор мамлакатлар борки, улар ҳам Ўзбекистон учун бизнинг комиссиямиз фаолияти нуқтаи назаридан ниҳоятда муҳимдир. Уларнинг қаторига албатта Туркия, Миср Араб Республикаси, Ҳиндистон ва Хитой Халқ Республикаси каби мамлакатларни киритиш мумкин. Сўнгги пайтларда комиссия мен санаб ўтган жойларнинг кўпчилигини ўз фаолияти билан қамраб олишга интилди.

(Давоми 2-бетда)

ИСЛОМ КАРИМОВГА ЛИТВА ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

24 сентябрь. Вильнюс. (ЎзА мухбири Анвар Бобоев хабар қилади). Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Литванинг Буюк Витаутас ордени топширилди. Мазкур давлатнинг энг олий мукофоти ҳисобланувчи бу орден Литва давлати, халқи олдидаги ҳамда халқаро миқёсда улкан хизматлар кўрсатган атоқли кишиларга берилади.

1930 йили Буюк Литва князи Витаутаснинг 500 йиллиги муносабати билан таъсис этилган мазкур орденга шу пайтгача Швеция қироли Карл XVI ва қиролича Сильвия, Литванинг биринчи Президенти А.Бразаускас, Сейм (парламент) раиси В.Ландсбергис ҳамда Литва кардинали В.Слаткевичус сазовор бўлган.

■ (ЎзА)

Суратда: ташриф пайтидан лавҳа.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

25 сентябрь. Вильнюс. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.)

Бугун эрталаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Литва Сейми (парламент) раиси Артурас Паулаускас билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Литва муносабатларини янада ривожлантириш, парламентлараро алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама этилди. Томонлар ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш борасида фикр алмашди.

Президент саройида икки мамлакат давлат раҳбарлари иштирокида литвалик ишбилармонлар билан учрашув бўлиб ўтди. Ислом Каримов Литва тадбиркорларини Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтиришга даъват этди. Жумладан, озиқ-овқат, тўқимачилик, мебелсозлик каби соҳаларда фойдаланилмаётган имкониятлар жуда кўплиги таъкидланди. Транспорт коммуникацияси борасида ҳамкорликни ҳам ҳар томонлама ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Мамлакатимиз раҳбари Вильнюс яқинидаги Тракай шаҳрига борди. Бу шаҳар Литва тарихида муҳим ўрин тутади. XIV-XV асрларда Болтиқбўйидаги савдо-сотиқ муносабатлари кўп жиҳатдан ушбу шаҳар орқали ривожланган. Президентимиз Литва князларининг XIV асрда бунёд этилган тарихий қароргоҳи — Тракай қалъасини бориб кўрди. Шу билан Президент Ислом Каримовнинг Литва Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди.

■ (ЎзА)

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ОБУНА — УМУМПАРТИЯВИЙ ИШ!

Яқинда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси **«Ўзбекистон ХДП тузилмаларининг партия матбуот нашрларига 2003 йил учун обунани ташкиллаштириш юзасидан асосий вазифалари тўғрисида»** қарор қабул қилди. Унда партия марказий ва маҳаллий матбуот нашрларининг ХДП дастурий ғоялари, мамлакатимиздаги ислоҳотлар сиёсатини халққа етказишга ҳисса қўшаётганлиги қайд қилиниб, юртимизда бошланаётган парламент ислоҳоти узанларида республикамиздаги сиёсий партиялар фаоллашиб, улар ўртасида ғоявий-сиёсий рақобат кучайиб бориши шароитида партия матбуоти аҳамиятининг янада ўсиши таъкидланган. Бундай вазиятда ХДП матбуот нашрларини барча чоралар билан қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, ХДП матбуот нашрларига 2003 йил учун обунани уюшқоқлик билан ўтказиш, ушбу масаладаги мавжуд камчиликларни такрорламаслик партиямиз барча ташкилотлари, журнали ҳамда газеталари таҳририятларининг муҳим вазифасидир, дейилади қарорда.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми, партия матбуоти нашрларига кейинги йилларда обунани ўтказиш тажрибасидан келиб чиқиб ва маҳаллий партия кенгашлари ҳамда «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ҳамда «Мулоқот» журнали таҳририятларининг таклифларини инобатга олиб, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига келаси йил учун партия даврий нашрларига обунани ўтказиш бўйича назорат рақамларини тасдиқлади. Ушбу муҳим умумпартиявий вазифани бажариш барча партия кенгашлари ва бошланғич ташкилотларининг бурчи, ҳар бир партия аъзосининг энг долзарб ишидир.

Обуна — 2003 мавсумида партия ташкилотлари фаолиятининг мониторингини йўлга қўйиш, уларнинг ютуқларини тезкорлик билан оммалаштириш, хато ва камчиликларини вақтида тугатишга ёрдам кўрсатиш мақсадида, Сиёсий ижроқўм қарорига кўра, Марказий Кенгашнинг махсус Ишчи гуруҳи тузилиб, унинг таркиби тасдиқланди. Барча даражадаги партия кенгашларига, биринчи котиблар бошчилигидаги, «Мулоқот» журнали, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятларига, бош муҳаррирлар раҳбарлигидаги шундай гуруҳларни тузиб, уларнинг ишини йўлга қўйиш топширилди.

МК Сиёсий ижроия қўмитаси Ўзбекистон ХДПнинг барча тузилмаларига обуна мавсумини муваффақиятли ўтказиш учун партиямиз газеталари ва журналини кенг тарғиб қилиш билан бир қаторда, фуқароларни меҳнат жамоалари ҳамда ҳомийлар кўмагида обуна қилдириш, ҳар бир бошланғич партия ташкилотининг «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари, «Мулоқот» журналига ҳамда минтақавий партия кенгашлари нашрларига энг камида бир нусхадан обуна қилинишини таъминлаш, бошқа самарали чораларни кўришни топширди. Ўз матбуот нашрларига эга бўлган ёки маҳаллий газеталарга ҳаммуассислик қилаётган партия кенгашлари уларга обунани ташкил этиш билан ҳам бевосита шуғулланишлари даркор.

Партия даврий нашрлари раҳбариятлари олдига ҳам 2003 йил учун обунани уюшқоқлик билан ўтказишни таъминловчи амалий чора-тадбирларни кўриш вазифаси қўйилиб, «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятининг, обуна топшириқларини ошириб бажарган Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоят, шаҳар ва туманлар кенгашларини рағбатлантириш бўйича, таклифлари маъқулланди. ХДПнинг бошқа матбуот нашрлари таҳририятларига ҳам обунани ўтказишда алоҳида ўрнак кўрсатган партия ташкилотлари ва фаолларни рағбатлантиришни йўлга қўйиш тавсия этилди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ТАНЛОВГА

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОДНИ ЁДЛАБ...

БУЮК САНЪАТКОР ТАВАЛЛУДИНИНГ 550 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз кун сайин қаддини тикламоқда. Мутахассисларимиз ва олимларимиз эса бир пайтлар шўролар замонида тақиқланган темир сандиқларда «мутлақо махфий» сақланган тарихимиз саҳифалари ёруғлик кўра бошлади. Ўзбек алломаларининг чет элларга олиб кетилган асарлари асл нусхалари билан танишиш, уларни қайтариб олиб келиш бошланди. Олий Мажлиснинг хорижга олиб кетилган Ўзбекистон тарихига оид архив ҳужжатларини қайтариб олиб келишга доир махсус комиссияси бу борада катта ишларни амалга оширмоқда. Ушбу комиссия аъзоси Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси бошқаруви раиси, Олий Мажлис депутати, сиёсий фанлар доктори, профессор Зоҳидулло МУНАВВАРОВ билан суҳбатни эътиборингизга ҳавола этамиз.

— Зоҳидулло Иномхўжаевич, энг аввало Олий Мажлиснинг хорижга олиб кетилган Ўзбекистон тарихига оид архив ҳужжатларини қайтариб олиб келишга доир махсус комиссияси фаолияти ва унинг аҳамияти хусусида гапириб берсангиз.

— Тарих тақозоси билан халқимиз, ватанимизнинг тарихи, маданиятига оид турли-туман ниҳоятда муҳим ҳужжатлар чет элларга олиб кетилган. Албатта, улар биз учун жуда азиз. Уларни мамлакатимизга қайтариб олиб келиш аҳамияти, энг аввало шу билан белгиланадики, улар орқали биз тарихимизнинг асл моҳиятини тушунишга, уни чуқурроқ идрок этишга, мустақиллик туфайли ўзликка қайтиш жараёнини тўлақонлироқ амалга оширишга муваффақ бўламиз. Шунинг учун ҳам бу масала Президентимизнинг диққат марказида бўлиб келган. И.А.Каримов Олий Мажлис ҳузурида Ўзбекистондан чет элларга олиб кетилган ва халқ бойлиги бўлган ҳужжатларни мамлакатимизга қайтариб олиб келиш бўйича махсус комиссия тузиш ташаббуси билан чиққан эди. Мана бир неча йилдирки, ушбу комиссия фаолият кўрсатмоқда. Айтиш жоизки, охирги икки йил давомида, унинг фаолияти аниқ натижалар келтира бошлади. Жумладан, бир вақтлар Россияга олиб кетилган тарихимизга оид муҳим ҳужжатлар билан танишиш мақсадида Россия Федерациясининг архивлари, унинг турли-туман илмий-маърифий маданият муассасаларида сақланаётган халқимиз даҳолари қўли билан яратилган нафақат тарихий ҳужжатлар, балки санъат асарлари, маданий буюмларни аниқлашга жуда катта эътибор берилди. Москва ва Санкт-Петербургда сақланаётган қимматбаҳо буюмлар жамланмаларида мамлакатимизга тегишли муҳим ашёлар борлиги аниқланди. Ана шундай давлатлардан яна бири бу — Буюк Британия. Империя Буюк Британияда бўлгани учун ҳам бу ерга бир неча асрлар давомида дунёнинг турли бурчакларидан маданий ёдгорликлар энг аввало, қўлёзмалар, тарихий ҳужжатлар, қолаверса қиммат баҳо буюмлар, ашёлар олиб келтирилган. Натижада бу мамлакатда сақланаётган бундай жамланмаларнинг аҳамияти фақатгина Буюк Британия империяси чегаралари билан чекланиб қолмай, балки унданда кенгроқ ҳудудларни қамраб олади. Шунингдек, у ерда бизнинг халқимиз, ватанимиз тарихига оид муҳим ҳужжатлар ҳам сақланади. Бу лардан ташқари яна бир қатор мамлакатлар борки, улар ҳам Ўзбекистон учун бизнинг комиссиямиз фаолияти нуқтаи назаридан ниҳоятда муҳимдир. Уларнинг қаторига албатта Туркия, Миср Араб Республикаси, Ҳиндистон ва Хитой Халқ Республикаси каби мамлакатларни киритиш мумкин. Сўнгги пайтларда комиссия мен санаб ўтган жойларнинг кўпчилигини ўз фаолияти билан қамраб олишга интилди.



(Давоми 2-бетда)

ПАХТА — 2002

ПЕШҚАДАМ ТУМАНЛАР ЗАФАРИ

Андижон далаларида пахта йиғим-терими қизғин давом этяпти. Олтинкўл тумани пахтакорлари мамлакатда биринчи бўлиб пахта топшириш шартнома режасини бажарганларидан кейин изма-из Асака тумани деҳқонлари ҳам маррага етдилар. Улар уйган «оқ олтин» хирмони 17741 тоннадан ошди. Асакалик асл пахтакорлар режага нисбатан қўшимча салкам 10 минг тонна пахта тайёрлашга, ҳосилдорликни 45 центнерданга етказишни режаладилар.

Олтинкўл ва асакалик марду майдон деҳқонлардан кейин Избоскан тумани миришкорлари ҳам йиллик шартнома режасини уддаладилар. Давлат омборларига 28635 тоннадан ортиқ пахта етказиб берилди. Избосканлик азаматлар ҳосилдорликни туман бўйича гектар ҳисобига 45 центнерданга, ялпи хирмонни эса 41665 тоннага етказишга аҳд қилдилар.

Экинзорлари тоғолди ҳудуди ҳисобланган Жалақудуқ тумани миришкорлари ҳам зафар маррасини эгалладилар. Қайта ишлаш корхоналарига 19880 тонна сифатли саноат хомашёси топширилди.

Жалақудуқликлар пахта хирмонини 31785 тоннадан ошириш мажбуриятини олдилар.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

«СИНО» ЖАҲОН БОЗОРИГА ЧИҚАДИ

Самарқанддаги «Сино» музлатгичлар заводи кейинги уч-тўрт йил мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини тўхтатиб қўйганди. Бунга сабаб иқтисодий қийинчиликлар, хомашё тақчиллиги ва музлатгичларга қўйиладиган «Фрион-12» суюқлиги эди.

Жамоа олдида бошқа русумдаги музлатгичлар ишлаб чиқариш муаммоси пайдо бўлди. Корхона маъмурияти янги лойиҳа билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Праон» ташкилотига мурожаат қилди. Лойиҳа учун 1 миллион 515 минг АҚШ доллари миқдорида грант ютишга эришилди. Италиянинг машҳур «CANNON» ва «GALILEO» фирмалари халқаро тендерда ғолиб чиқиб, заводни замонавий асбоб-ускуналар билан қайта жиҳозлади.

Бугунги кунда заводда янги русумдаги музлатгичлар ишлаб чиқарилмоқда. Дастлабки 300 дона музлатгич бозорга чиқарилади. Ҳозирча уч хил «SINO-110», «SINO-207» икки камерали музлатгичлар ва «SINO-306» совутгич тайёрлаш кўзда тутилган. Энди музлатгичларга экологик тоза «Фрион-134 А» суюқлиги қўйилади.

— Чет элликлар билан шерикчилик, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини беради. «Сино»лар ўз шуҳратини тиклайди. Кўплаб ишчи ўринлари яратилади. Маҳсулотларимиз жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллайди, — дейди «Сино» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Хуршид Тўрақулов.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ДОРИ-ДАРМОНДАГИ ДАРДЛИ, ТАШВИШЛИ ҲОЛАТЛАР»

«Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 30 май сонида чоп этилган «Дори-дармондаги дардли, ташвишли ҳолатлар» мақоласи Фарғона вилоят прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди. Мақолада келтирилган ҳолатлар бўйича Э. Кичинова, Р. Назаров, О.Аллаев ва бошқаларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар муҳокама қилинди.

Аниқланишича, вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция судлов ҳайъатининг 2002 йил 21 февраль ҳал қилув қарори билан жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг раиси А.Муҳаммедовнинг жорий йил 25 январь кунги Э.М.Кичинованинг ҳаракатларида МЖТКнинг 164-моддаси 3-қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик мавжуд эмас, деб топиб, иш юритишни тугатиш ва 8 турдаги 33 миллион 385180 сўмлик дори-дармонларни унга қайтариб бериш ҳақидаги қарори билан боғлиқ маъмурий иш судда бир ёқлама ва юзаки кўрилганлиги учун Қўқон шаҳар прокурорининг кассация тартибида келтирган протести асосида бекор қилиниб, шу судга янгидан кўриш учун юборилган.

Шундан сўнг, маъмурий иш Қўқон шаҳар судининг судьяси Б.Фозилов томонидан 23 май куни кўрилиб, Э.М.Кичиновага МЖТКнинг 164-моддаси 3-қисми билан 17150 сўм жарима тайинлаш ва бу дори-дармонларни давлат фойдасига мусодара қилиш ҳақида қарор қабул қилинган. Вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2002 йил 6 июнь кунги ҳал қилув қарори билан Қўқон шаҳар прокурорининг кассация протести асосида бу қарор ҳам бекор қилинган ва материаллар қўшимча текшириш ўтказиш учун юборилган.

Жиноят ишлари бўйича вилоят суди раисининг 2002 йил 3 июнь кунги ҳал қилув қарори билан Қўқон шаҳар судининг судьяси О.Алижоновнинг О.Аллаев, З.Бозорбоев ва Б.Полвоновларга нисбатан МЖТКнинг 164-моддаси 3-қисми билан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишни тугатиш, 281 турдаги 1 миллион 725000 сўмлик дори-дармонларни уларга қайтариш ҳақидаги қарори ҳам суриштирув тўлиқ ўтказилмаганлиги ва судда иш бир ёқлама, юзаки кўрилганлиги туфайли бекор қилиниб, қўшимча текшириш ўтказиш учун юборилган.

Вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси томонидан юқоридаги маъмурий ишлар бўйича қўшимча текшириш ўтказилиб, 2002 йил 24 июнь куни Ўзбекистон ЖКнинг 189-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилган ва ҳозирда Қўқон шаҳар прокуратураси томонидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, вилоят жиноят ишлари бўйича судининг 2002 йил 6 июнь кунги ҳал қилув қарори билан мен томонимдан назорат тартибида киритилган протест асосида Қўқон шаҳар судининг раиси А.Муҳаммедовнинг Равшан Назаровнинг ҳаракатларида МЖТКнинг 164-моддаси 3-қисми ва 176-моддаси 3-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатлари йўқ деб топиб, 101 турдаги 11249756 сўмлик дори-дармонларни унга қайтариб бериш ва маъмурий ишни тугатиш ҳақидаги қарори ҳам бекор қилиниб, судга янгидан кўриш учун юборилган.

2002 йил 25 июнь куни ушбу маъмурий иш Қўқон шаҳар судининг судьяси Б.Фозилов томонидан кўрилиб, текшириш тўлиқ ўтказилмаган деб топилиб, қўшимча текшириш ўтказиш учун 11 июль куни Қўқон шаҳар прокуратурасига юборилган бўлиб, қўшимча текшириш олиб борилмоқда.

Вилоят прокуратураси томонидан юқоридаги ҳолатлар бўйича текшириш ва дастлабки тергов ҳаракатларининг ўтказилиши алоҳида назоратга олинган.

■ **М.ҚУРБОНОВ, Фарғона вилоят прокурори биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси**

ЭТНОГРАФ ОЛИМЛАР АНЖУМАНИ

Республика Фанлар академиясининг тарих институтида «Марказий Осиё халқларининг этник тарихи масалалари» мавзусидаги илмий семинарнинг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

Мазкур семинарнинг ташкил этилишидан мақсад — Марказий Осиё халқларининг, жумладан ўзбек халқининг этник тарихи этногензи муаммоларини ўрганиш ва соҳада янги маълумотлар асосида олиб борилаётган тадқиқотларни илмий жамоатчиликка етказишдан иборат.

— Тарихнинг барча даврларида кишилар ўзлари мансуб халқ тарихига катта қизиқиш билан қараганлар, — дейди Тошкент давлат Шарқшунослик институти «Марказий Осиё халқлари тарихи» кафедраси мудири М.Исҳоқов. — Қолаверса, қадимги туркий ёзув ёдгорликлари географияси ва туркий халқлар этногенетик жараёнлари муҳитини ўрганиш бугунги кунда жуда зарур.

Семинар маърузаларида ўзбек халқининг илк шаклланиш жараёни босқичларига тўхталиб, бу халқ ўз ҳудудида кўп минг йиллар давомида ўтроқ яшаб келган халқнинг бевосита ворислари эканлиги, бошқача қилиб айтганда «Ўзбек элати келиб қўшилган этник элементлардан эмас, маҳаллий этнослар асосида вужудга келган», деган фикрни илмий асослаб беришга ҳаракат қилинди.

■ **Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА**

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 3-автомобилларга техник хизмат кўрсатиш корхонасида «Автотеххизмат» акциядорлик бирлашмаси тасарруфига кирувчи акциядорлик жамиятлари усталари ўртасида «2002 йилнинг энг яхши устаси» танлови бўлиб ўтди. Республика миқёсида ўтказилган мазкур танловда барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан вакиллар иштирок этди. ЎзДЭУ автомобилларининг двигатель, юриш ҳамда электр қисмларини таъмирловчилар танловда ўз маҳоратларини синаб кўрдилар.

✧✧✧

Суратларда: 1. «Йилнинг энг яхши устаси» танлови ғолиблари (чапдан ўнгга) Ғайрат Содиқов (Сирдарё), Мирахмад Мирмаҳмудов (Тошкент) ва Хислат Музаффаров (Навоий). 2. Танлов жараёнидан лавҳа.

■ **Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар**

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАЁТИДАН

Ўзбекистон ХДП Бўзатов, Дўстлик ва Тўрақўрғон туман кенгашларининг навбатдаги пленумлари бўлиб ўтди. Уларда ташкилий масала кўрилди. Мазкур кенгашлар биринчи котиблари вазифасида ишлаб келган Ж.Пиренов, Ф.Хасанов, О.Зоҳидовлар бошқа ишга ўтганликлари муносабати билан, Бийсенбай Бекмуратов, Жўрақул Исроилов ва Орифжон Охунов Ўзбекистон Халқ демократик партияси ушбу туманлар кенгашлари биринчи котиблари этиб сайландилар.

Пленумларда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика, Жиззах ва Наманган вилоят партия кенгашлари биринчи котиблари А.Асанов, М.Имомов, М.Абдуллаева, Бўзатов ва Тўрақўрғон туманларининг ҳокимлари А.Жуманов, Х.Ҳожиматов, Дўстлик тумани ҳокимлигининг масъул ходими А.Элмуродов сўзга чиқдилар.

ХДП Нукус, Чирчиқ ва Қўқон шаҳар, Кегейли, Миробод, Янгийўл туман кенгашлари негизида уюштирилган семинар-кенгашларда Марказий Кенгаш IV пленуми қарорларини бажариш юзасидан яқинда бўлиб ўтган минтақавий семинарларда берилган тавсиялар асосида жойларда партиявий-ташкилий, тарғибий-ташвиқий, маданий-маърифий ишларни такомиллаштириш, Олий Мажлис IX сессияси ҳужжатларини оммалаштиришда фаол иштирок этиш, ЎзХДП марказий нашрларига 2003 йил учун обунани уюшқоқлик билан ўтказиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш масалалари муҳим ўрин эгаллади. Уларда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби А.Рустамов, Қорақалпоғистон Республика кенгаши биринчи котиби А.Асанов, Тошкент вилоят партия кенгаши иккинчи котиби Н.Тоиров маъруза қилдилар, мазкур партия кенгашлари биринчи котиблари С.Нурманов, Д.Азизхўжаев, З.Ҳошимова, Е.Хожанов, Р.Кушева, Н.Орипов ахборот бердилар, Фарғона вилоят партия кенгаши иккинчи котиби З.Абдуллаева, Олий Мажлис депутати Ҳ.Назаров, Янгийўл туман ҳокими ўринбосарлари Б.Раҳимқулова ва М.Худдиев, қатор бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, фаоллар сўзга чиқдилар.

ЎзХДП Жондор туман ташкилоти халқ таълими тизими ходимлари орасида партиянинг дастурий ғоя ва мақсад-муддаосини кенг тарғиб қилишга эътиборни кучайтирмоқда. Яқинда туман партия кенгаши биринчи котиби К.Пўлатов олий ўқув юртларини битириб келган соҳа ёш мутахассислари билан учрашиб, мустақиллик йилларида Ватанимизда юз берган туб ўзгаришлар, Ўзбекистон ХДПнинг жамиятимизда тутган ўрни ва мамлакатимиздаги ислоҳотларда иштироки, бўлажак икки палатали парламент ҳақида сўзлаб берди. Шундай ишлар натижаси ўлароқ, йил бошидан бери соҳада меҳнат қилаётган 40 нафар фуқаро ЎзХДП сафига кирди. Кейинги учрашув ниҳоясида 15 та ёш мутахассис ҳам ўз тақдирини партиямиз билан боғлаш истагини билдирди.

ЯНГИ ИШ ЖОЙЛАРИ

Бандлик хизмати бўйича тадбиркорлар ташкил қилиниши ишсизлик муаммосини ҳал этишда муҳим роль ўйнамоқда.

Яқинда Хўжаобод туманининг Манак қишлоғида ана шундай меҳнат бозори уюштирилди. Унда тумандаги ҳиссадорлик жамиятлари, хусусий фирмалар, ширкат ва фермер хўжаликлари вакиллари иштирок этди. Туман бандлик хизматининг бу тадбири туфайли юзга яқин фуқаро доимий иш билан таъминланди, 20 нафари эса вақтинчалик ҳақ тўлайдиган ишга қабул қилинди ва касб-ҳунар ўрганишга йўналтирилди.

■ **Одилжон ЖЎРАЕВ**

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОДНИ ЁДЛАБ...

БУЮК САНЪАТКОР ТАВАЛЛУДИНИНГ 550 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Англияга қилган сафарингиз сабаблари ва унинг натижалари ҳақида нималар дейсиз?

— Бу йил Олий Мажлис махсус комиссиясининг мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи Буюк Британия муассасаларига сафар қилдик. У ерда сақланаётган муҳим манбаларни аниқлаштириб, уларнинг айримларидан юқори сифатли нусхалар олиб келишга муваффақ бўлдик. Мен, энг аввало, жаҳонга машҳур бўлган Университет шаҳри Oxford (Оксфорд)даги йирик кутубхоналардан бири Bodlian (Бодлиан) кутубхонасида сақланаётган қўлёзмалар ва маданиятимиз тарихини тиклаш, бизда кечаётган ўзликка қайтиш жараёнининг моҳиятини тўлароқ идрок этишда уларнинг аҳамияти тўғрисида гапиришни истардим. Жумладан, Бодлиан кутубхонасида А.Навоий, Низомий асарларининг энг яхшиси, энг чиройли қўлёзмалари сақланади. Таассуф билан айтиш лозимки, бундай ноёб бойликлар бундан иккиуч аср олдин юртимиздан олиб кетилган. Биз уларни олиб кўришга, улар билан танишишга муваффақ бўлдик. Шу қўлёзмалар ичида Камолиддин Беҳзод қўли билан чизилган миниатюра санъатининг энг ноёб дурдоналари борлигига амин бўлдик. Албатта, буларнинг асл нусхаларини қайтариб олиб келиш жуда мушкул. Чунки чет мамлакатларда бундай ашёлар сақланаётган муассасалар хусусий бўлиб, уларнинг эгалари бундай қимматбаҳо асарларни сотишни истамайди. Лекин шунга қарамасдан улар бизнинг ишимизга ниҳоятда хайрихоҳлик билдиришди. Ҳали ўзининг моддий, иқтисодий қийинчиликларига барҳам бермай туриб, бизнинг маънавий ўзлигимиз моҳиятини идрок этишга интилаётган ўзбек халқи вакилларига улар жуда яхши муносабат билан муомала қилишди. Натижада биз Буюк Британиядаги Бодлиан кутубхонасида, Лондондаги Британия кутубхонасида, Британия музейида ва Лондондаги жуда катта яна бир муассаса «Виктория ва Альберт» музейида сақланаётган қўлёзмаларга ишланган Камолиддин Беҳзод ва унинг шогирдлари (у яратган мактаб вакиллари) томонидан ишланган жуда ноёб миниатюралардан нусхалар олиб келишга муваффақ бўлдик. Бундан ташқари халқимизнинг тарихи, маданияти, маънавиятининг турли қирраларига алоқадор бўлган бошқа манбалар билан ҳам танишишга ҳаракат қилдик. Бизнинг фанимизга маълум бўлмаган муҳим қўлёзма манбалар у ерда сақланаётганлиги ва уларни олиб келиб мана шу тарихий фан нуқтаи назаридан уни истеъмолга киритиш нечоғли муҳим эканлигини яна бир бор идрок этдик. Бодлиан кутубхонасида «Шайбонийлар» тарихига оид шундай бир ажойиб қўлёзмалар борки, улар ҳали илмий истеъмолга киритилмаган. Иншооллоҳ, Англия билан боғлиқ ишларимизнинг кейинги босқичларида, албатта, ана шундай муҳим тарихий манбаларни ҳам мамлакатимизга қайтариб олиб келиш чораларини кўрамиз ва ўйлайманки, бу ишларни яқин келажакда бажарамиз.

— Яқинда бир қатор араб мамлакатларида ҳам бўлиб қайтдингиз. Сафардан мақсад нима эди?

— Тўғри, жумладан, араб мамлакатларининг қалби, юраги ҳисобланган ва уларнинг энг йириги бўлган Миср Араб Республикасида бўлдик. Миср Араб Республикаси энг қадимий маданият марказларидан биридир. Шунинг учун ҳам бу ерда турли мамлакатлардан дунёнинг турли бурчакларидан санъат асарлари кўп минг йилликлар давомида оқиб, шу ерда жамланиб қолган. Қохира шаҳридаги йирик кутубхоналар ва музейлар бирлашмаларида ҳамда Миср Араб Республикасининг Искандария (Александрия) шаҳридаги маданий, маърифий, илмий муассасаларида Ўзбекистон тарихи, ўзбек халқининг маданиятига оид жуда муҳим манбалар сақланаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Уларнинг баъзиларидан ҳам нусхалар олиб келдик. Миср Араб Республикасидан олиб келинган санъат дурдоналари қаторида мен яна Камолиддин Беҳзоднинг ўз қўли билан ишлаган юксак санъат асарларидан олтитасини ҳам олиб келганимизни айтиб ўтмоқчиман. Гап шундаки, Қохира кутубхоналарининг бирида Саъдий «Бўстон»ининг қўлёзмаси сақланади. У энг гўзал қўлёзмалардан бири ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрича, султон Ҳусайн Бойқаро ўз кутубхонаси учун буни кўчиртирган экан. Демак, бу XVI асрнинг биринчи ярмида ишланган асар. Ушбу қўлёзмадаги олтита миниатюра Беҳзод томонидан яратилган. Ана шу олтита санъат асарларидан кўргазмалар учун мослаштирилган транспарент шаффоф нусхалар олиб келдик. У ердан Беҳзоднинг энг иқтидорли шогирдларидан бўлган миниатюрачи Муҳаммад Музаҳиб, Шайҳзода каби бир қатор дунёга донғи кетган, жаҳон даражасида оламшумул шуҳрат қозонган санъаткорларнинг мўйқалами билан битилган асарлардан ҳам намуналар олиб келишга муваффақ бўлдик. Уларнинг аҳамияти жуда чексиз, чунки миниатюралардан ташқари у ерда ишлаш, тўқиш, умуман халқимизнинг тўқимачилик санъати ҳунармандчилиги билан боғлиқ бўлган асарларнинг дурдона намуналари сақланар экан. Кунига юзлаб, минглаб одамлар бориб, улардан завқ олиб, баҳраманд бўлиб, ўзбек халқининг даҳосига тасанно айтиб келишади. Буларни биз, айниқса, ёшларимиз билиши даркор. Чунки ана шуларни тўғри идрок этсак, халқимиз, ёшларимизнинг онгига сингдирсак, демак, биз интилаётган баркамол жамият, порлоқ истиқболга эришишимиз мумкин бўлади.

Албатта, бу соҳадаги ишлар жуда кенг кўламли. Қадимдан маданият, илм-фан маркази бўлган жойлардан ташқари илму фаннинг янги марказлари шаклланаётган жойларни ҳам қидиряпмиз. Ана шулардан бири Бирлашган Араб Амирликларидир. Тахминан ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб жуда катта нефть конларининг кашф этилиши муносабати билан бу мамлакат тез суръатлар билан ривожланмоқда. Мамлакатда кечаётган жараёнларнинг энг муҳимларидан биттаси, у исломий мусулмон тарихи билан боғлиқ илмий манбаларни жамловчи асосий марказлардан бирига айланмоқда. Шу нуқтаи назардан Дубай шаҳрида фаолият кўрсатаётган бир неча марказлар бизнинг комиссиямизни қизиқтирар эди. Қолаверса, Бирлашган Араб Амирликларининг Ал-Айн шаҳрида жойлашган университет кутубхонасидаги манбалар ҳам бизни қизиқтирди. Шунинг учун ҳам биз бу мамлакатга боришга қарор қилдик. У ерда мутахассислар билан биргаликда бир неча кун изланишлар олиб бордик. Натижада шу нарса аён бўлдики, гарчанд бу мамлакатда ташкил этилаётган марказлар ҳали ёш бўлса-да, лекин уларда жамланган манбалар ҳозирнинг ўзидаёқ ўн минглаб нусхани ташкил этади. Уларнинг ичида мамлакатимиз учун жуда муҳим бўлган манбалар бор. Бундан-да муҳимроғи эса шу марказлар, муассасаларда ишлаётган мутахассислар биз билан ҳамкорлик қилишга, бизга ёрдам ҳам кўрсатишга тайёрлар. Биз у ердаги бир қатор марказлар билан ҳамкорлик шартномаларини имзоладик. Мана шу яқин ва нисбатан узоқ муддатли келажакда амалга оширишимиз мумкин бўлган ҳамкорлик, муштарак лойиҳаларни аниқлаштириб олдик. Албатта, комиссиямизнинг асосий вазифаси Ўзбекистондан чет элга олиб кетилган ҳужжатлар, тарихий ашёлар, маданий мерос намуналарини иложи борича қайтариб олиб келиш, халқимизга қайтариб беришдир. Шу билан бирга яна бир фаолият билан ҳам шуғулланишга ҳаракат қилмоқдамиз. У ҳам бўлса, янги Ўзбекистон ва унда кечаётган жараёнлар, ислоҳотлар билан биз мулоқотда бўлаётган марказларни чуқурроқ таништиришга интилишдир. Айниқса, бу борада араб дунёсининг Ўзбекистонга қизиқиши жуда катта эканлигини ва бу қизиқиш кундан-кунга ортиб бораётганлигини таъкидлаш мумкин. Масалан, «Ал-Айн» университети ўқитувчилари билан бўлган мулоқотимизда улар Ўзбекистон Президенти қалами билан ёзилган асарларни араб тилига таржима қилиб, араб мамлакатларида тарқатиш тўғрисида фикр юритдилар. Бу борада ҳам муайян ишларни биргаликда амалга оширишга ҳаракат қилиняпти. Жумладан, «Ал-Айн» университети мутахассислари билан биргаликда ўзбекистонлик бир гуруҳ арабшунослар янги Ўзбекистон ва унинг 10 йил давомида босиб ўтган йўли ҳақида араб ўқувчилари учун араб тилидаги янги китобни нашрга таёйрламоқдалар. Ўйлайманки, бу ишларда ҳам Олий Мажлис махсус комиссиясининг муайян ишлари сақланади. Таассуф билан айтиш лозимки, бундай ноёб бойликлар бундан иккиуч аср олдин юртимиздан олиб кетилган. Биз уларни олиб кўришга, улар билан танишишга муваффақ бўлдик. Шу қўлёзмалар ичида Камолиддин Беҳзод қўли билан чизилган миниатюра санъатининг энг ноёб дурдоналари борлигига амин бўлдик. Албатта, буларнинг асл нусхаларини қайтариб олиб келиш жуда мушкул. Чунки чет мамлакатларда бундай ашёлар сақланаётган муассасалар хусусий бўлиб, уларнинг эгалари бундай қимматбаҳо асарларни сотишни истамайди. Лекин шунга қарамасдан улар бизнинг ишимизга ниҳоятда хайрихоҳлик билдиришди. Ҳали ўзининг моддий, иқтисодий қийинчиликларига барҳам бермай туриб, бизнинг маънавий ўзлигимиз моҳиятини идрок этишга интилаётган ўзбек халқи вакилларига улар жуда яхши муносабат билан муомала қилишди. Натижада биз Буюк Британиядаги Бодлиан кутубхонасида, Лондондаги Британия кутубхонасида, Британия музейида ва Лондондаги жуда катта яна бир муассаса «Виктория ва Альберт» музейида сақланаётган қўлёзмаларга ишланган Камолиддин Беҳзод ва унинг шогирдлари (у яратган мактаб вакиллари) томонидан ишланган жуда ноёб миниатюралардан нусхалар олиб келишга муваффақ бўлдик. Бундан ташқари халқимизнинг тарихи, маданияти, маънавиятининг турли қирраларига алоқадор бўлган бошқа манбалар билан ҳам танишишга ҳаракат қилдик. Бизнинг фанимизга маълум бўлмаган муҳим қўлёзма манбалар у ерда сақланаётганлиги ва уларни олиб келиб мана шу тарихий фан нуқтаи назаридан уни истеъмолга киритиш нечоғли муҳим эканлигини яна бир бор идрок этдик. Бодлиан кутубхонасида «Шайбонийлар» тарихига оид шундай бир ажойиб қўлёзмалар борки, улар ҳали илмий истеъмолга киритилмаган. Иншооллоҳ, Англия билан боғлиқ ишларимизнинг кей-

1

2

3

— Камолиддин Беҳзод ва жаҳон маданияти Ғарбу Шарқ цивилизациясида Беҳзод омили тўғрисидаги фикрингизни билмоқчи эдим.

— Мен албатта, санъатшунос эмасман, лекин Камолиддин Беҳзоднинг жаҳон маданиятида қолдирган изи мутлақо ўчмас из эканлигига ишонаман. Ана шу Камолиддин Беҳзод томонидан яратилган санъат асарларидан қўргазмалар учун мослаштирилган транспарент шаффоф нусхалар олиб келдик. У ердан Беҳзоднинг энг иқтидорли шогирдларидан бўлган миниатюрачи рассом эмас, у фақатгина рассом ҳам эмас, Камолиддин Беҳзод шахси ўзида бир буюк санъаткор, санъатнинг янги бир йўналишига асос солган, ўзидан кейин тармоқлаб кетган ўзига хос мактабни қолдира билган ва бу мактаб унинг вафотидан сўнг ҳам давом этиб, Ғарбу Шарқда кейинчалик из қолдирган катта бир санъаткорлар мактабини яратган инсондир. Шунинг учун ҳам унинг яратган асарларига дунёда қизиқиш катта. Гап шундаки, менга мутахассислар шундай тушунтиришди. Ҳар қандай санъат асарини агар ўзининг табиий ҳажмидан катталаштирилса, унинг сифати ёмонлашар экан. Камолиддин Беҳзоднинг қўли билан чизилган миниатюралар катталаштирилганда ҳам сифати деярли ўзгармас экан. Беҳзод шу даражада нақш-бўёқни сингдирганки, яратган асарнинг бирон жойига ҳам бўёқ тегмай қолган эмас экан. Замонавий тироки бор.

— Камолиддин Беҳзод ва жаҳон маданияти Ғарбу Шарқ цивилизациясида Беҳзод омили тўғрисидаги фикрингизни билмоқчи эдим.

— Мен албатта, санъатшунос эмасман, лекин Камолиддин Беҳзоднинг жаҳон маданиятида қолдирган изи мутлақо ўчмас из эканлигига ишонаман. Ана шу Камолиддин Беҳзод томонидан яратилган санъат асарларидан қўргазмалар учун мослаштирилган транспарент шаффоф нусхалар олиб келдик. У ердан Беҳзоднинг энг иқтидорли шогирдларидан бўлган миниатюрачи Муҳаммад Музаҳиб, Шайҳзода каби бир қатор дунёга донғи кетган, жаҳон даражасида оламшумул шуҳрат қозонган санъаткорларнинг мўйқалами билан битилган асарлардан ҳам намуналар олиб келишга муваффақ бўлдик. Уларнинг аҳамияти жуда чексиз, чунки миниатюралардан ташқари у ерда ишлаш, тўқиш, умуман халқимизнинг тўқимачилик санъати ҳунармандчилиги билан боғлиқ бўлган асарларнинг дурдона намуналари сақланар экан. Кунига юзлаб, минглаб одамлар бориб, улардан завқ олиб, баҳраманд бўлиб, ўзбек халқининг даҳосига тасанно айтиб келишади. Буларни биз, айниқса, ёшларимиз билиши даркор. Чунки ана шуларни тўғри идрок этсак, халқимиз, ёшларимизнинг онгига сингдирсак, демак, биз интилаётган баркамол жамият, порлоқ истиқболга эришишимиз мумкин бўлади.

Албатта, бу соҳадаги ишлар жуда кенг кўламли. Қадимдан маданият, илм-фан маркази бўлган жойлардан ташқари илму фаннинг янги марказлари шаклланаётган жойларни ҳам қидиряпмиз. Ана шулардан бири Бирлашган Араб Амирликларидир. Тахминан ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб жуда катта нефть конларининг кашф этилиши муносабати билан бу мамлакат тез суръатлар билан ривожланмоқда. Мамлакатда кечаётган жараёнларнинг энг муҳимларидан биттаси, у исломий мусулмон тарихи билан боғлиқ илмий манбаларни жамловчи асосий марказлардан бирига айланмоқда. Шу нуқтаи назардан Дубай шаҳрида фаолият кўрсатаётган бир неча марказлар бизнинг комиссиямизни қизиқтирар эди. Қолаверса, Бирлашган Араб Амирликларининг Ал-Айн шаҳрида жойлашган университет кутубхонасидаги манбалар ҳам бизни қизиқтирди. Шунинг учун ҳам биз бу мамлакатга боришга қарор қилдик. У ерда мутахассислар билан биргаликда бир неча кун изланишлар олиб бордик. Натижада шу нарса аён бўлдики, гарчанд бу мамлакатда ташкил этилаётган марказлар ҳали ёш бўлса-да, лекин уларда жамланган манбалар ҳозирнинг ўзидаёқ ўн минглаб нусхани ташкил этади. Уларнинг ичида мамлакатимиз учун жуда муҳим бўлган манбалар бор. Бундан-да муҳимроғи эса шу марказлар, муассасаларда ишлаётган мутахассислар биз билан ҳамкорлик қилишга, бизга ёрдам ҳам кўрсатишга тайёрлар. Биз у ердаги бир қатор марказлар билан ҳамкорлик шартномаларини имзоладик. Мана шу яқин ва нисбатан узоқ муддатли келажакда амалга оширишимиз мумкин бўлган ҳамкорлик, муштарак лойиҳаларни аниқлаштириб олдик. Албатта, комиссиямизнинг асосий вазифаси Ўзбекистондан чет элга олиб кетилган ҳужжатлар, тарихий ашёлар, маданий мерос намуналарини иложи борича қайтариб олиб келиш, халқимизга қайтариб беришдир. Шу билан бирга яна бир фаолият билан ҳам шуғулланишга ҳаракат қилмоқдамиз. У ҳам бўлса, янги Ўзбекистон ва унда кечаётган жараёнлар, ислоҳотлар билан биз мулоқотда бўлаётган марказларни чуқурроқ таништиришга интилишдир. Айниқса, бу борада араб дунёсининг Ўзбекистонга қизиқиши жуда катта эканлигини ва бу қизиқиш кундан-кунга ортиб бораётганлигини таъкидлаш мумкин. Масалан, «Ал-Айн» университети ўқитувчилари билан бўлган мулоқотимизда улар Ўзбекистон Президенти қалами билан ёзилган асарларни араб тилига таржима қилиб, араб мамлакатларида тарқатиш тўғрисида фикр юритдилар. Бу борада ҳам муайян ишларни биргаликда амалга оширишга ҳаракат қилиняпти. Жумладан, «Ал-Айн» университети мутахассислари билан биргаликда ўзбекистонлик бир гуруҳ арабшунослар янги Ўзбекистон ва унинг 10 йил давомида босиб ўтган йўли ҳақида араб ўқувчилари учун араб тилидаги янги китобни нашрга таёйрламоқдалар. Ўйлайманки, бу ишларда ҳам Олий Мажлис махсус комиссиясининг муайян ишларини бошқаришда, ана шундай ноёб бойликларни ҳам мамлакатимизга қайтариб олиб келиш ишларини ҳам ҳисобга олиб борсак, ана шундай муҳим тарихий манбаларни ҳам мамлакатимизга қайтариб олиб келиш чораларини кўрамиз ва ўйлайманки, бу ишларни яқин келажакда бажарамиз.

— Яқинда бир қатор араб мамлакатларида ҳам бўлиб қайтдингиз. Сафардан мақсад нима эди?

— Тўғри, жумладан, араб мамлакатларининг қалби, юраги ҳисобланган ва уларнинг энг йириги бўлган Миср Араб Республикасида бўлдик. Миср Араб Республикаси энг қадимий маданият марказларидан биридир. Шунинг учун ҳам бу ерда турли мамлакатлардан дунёнинг турли бурчакларидан санъат асарлари кўп минг йилликлар давомида оқиб, шу ерда жамланиб қолган. Қохира шаҳридаги йирик кутубхоналар ва музейлар бирлашмаларида ҳамда Миср Араб Республикасининг Искандария (Александрия) шаҳридаги маданий, маърифий, илмий муассасаларида Ўзбекистон тарихи, ўзбек халқининг маданиятига оид жуда муҳим манбалар сақланаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Уларнинг баъзиларидан ҳам нусхалар олиб келдик. Миср Араб Республикасидан олиб келинган санъат дурдоналари қаторида мен яна Камолиддин Беҳзоднинг ўз қўли билан ишлаган юксак санъат асарларидан олтитасини ҳам олиб келганимизни айтиб ўтмоқчиман. Гап шундаки, Қохира кутубхоналарининг бирида Саъдий «Бўстон»ининг қўлёзмаси сақланади. У энг гўзал қўлёзмалардан бири ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрича, султон Ҳусайн Бойқаро ўз кутубхонаси учун буни кўчиртирган экан. Демак, бу XVI асрнинг биринчи ярмида ишланган асар. Ушбу қўлёзмадаги олтита миниатюра Беҳзод томонидан яратилган. Ана шу олтита санъат асарларидан қўргазмалар учун мослаштирилган транспарент шаффоф нусхалар олиб келдик. У ердан Беҳзоднинг энг иқтидорли шогирдларидан бўлган миниатюрачи Муҳаммад Музаҳиб, Шайҳзода каби бир қатор дунёга донғи кетган, жаҳон даражасида оламшумул шуҳрат қозонган санъаткорларнинг мўйқалами билан битилган асарлардан ҳам намуналар олиб келишга муваффақ бўлдик. Уларнинг аҳамияти жуда чексиз, чунки миниатюралардан ташқари у ерда ишлаш, тўқиш, умуман халқимизнинг тўқимачилик санъати ҳунармандчилиги билан боғлиқ бўлган асарларнинг дурдона намуналари сақланар экан. Кунига юзлаб, минглаб одамлар бориб, улардан завқ олиб, баҳраманд бўлиб, ўзбек халқининг даҳосига тасанно айтиб келишади. Буларни биз, айниқса, ёшларимиз билиши даркор. Чунки ана шуларни тўғри идрок этсак, халқимиз, ёшларимизнинг онгига сингдирсак, демак, биз интилаётган баркамол жамият, порлоқ истиқболга эришишимиз мумкин бўлади.

Албатта, бу соҳадаги ишлар жуда кенг кўламли. Қадимдан маданият, илм-фан маркази бўлган жойлардан ташқари илму фаннинг янги марказлари шаклланаётган жойларни ҳам қидиряпмиз. Ана шулардан бири Бирлашган Араб Амирликларидир. Тахминан ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб жуда катта нефть конларининг кашф этилиши муносабати билан бу мамлакат тез суръатлар билан ривожланмоқда. Мамлакатда кечаётган жараёнларнинг энг муҳимларидан биттаси, у исломий мусулмон тарихи билан боғлиқ илмий манбаларни жамловчи асосий марказлардан бирига айланмоқда. Шу нуқтаи назардан Дубай шаҳрида фаолият кўрсатаётган бир неча марказлар бизнинг комиссиямизни қизиқтирар эди. Қолаверса, Бирлашган Араб Амирликларининг Ал-Айн шаҳрида жойлашган университет кутубхонасидаги манбалар ҳам бизни қизиқтирди. Шунинг учун ҳам биз бу мамлакатга боришга қарор қилдик. У ерда мутахассислар билан биргаликда бир неча кун изланишлар олиб бордик. Натижада шу нарса аён бўлдики, гарчанд бу мамлакатда ташкил этилаётган марказлар ҳали ёш бўлса-да, лекин уларда жамланган манбалар ҳозирнинг ўзидаёқ ўн минглаб нусхани ташкил этади. Уларнинг ичида мамлакатимиз учун жуда муҳим бўлган манбалар бор. Бундан-да муҳимроғи эса шу марказлар, муассасаларда ишлаётган мутахассислар биз билан ҳамкорлик қилишга, бизга ёрдам ҳам кўрсатишга тайёрлар. Биз у ердаги бир қатор марказлар билан ҳамкорлик шартномаларини имзоладик. Мана шу яқин ва нисбатан узоқ муддатли келажакда амалга оширишимиз мумкин бўлган ҳамкорлик, муштарак лойиҳаларни аниқлаштириб олдик. Албатта, комиссиямизнинг асосий вазифаси Ўзбекистондан чет элга олиб кетилган ҳужжатлар, тарихий ашёлар, маданий мерос намуналарини иложи борича қайтариб олиб келиш, халқимизга қайтариб беришдир. Шу билан бирга яна бир фаолият билан ҳам шуғулланишга ҳаракат қилмоқдамиз. У ҳам бўлса, янги Ўзбекистон ва унда кечаётган жараёнлар, ислоҳотлар билан биз мулоқотда бўлаётган марказларни чуқурроқ таништиришга интилишдир. Айниқса, бу борада араб дунёсининг Ўзбекистонга қизиқиши жуда катта эканлигини ва бу қизиқиш кундан-кунга ортиб бораётганлигини таъкидлаш мумкин. Масалан, «Ал-Айн» университети ўқитувчилари билан бўлган мулоқотимизда улар Ўзбекистон Президенти қалами билан ёзилган асарларни араб тилига таржима қилиб, араб мамлакатларида тарқатиш тўғрисида фикр юритдилар. Бу борада ҳам муайян ишларни биргаликда амалга оширишга ҳаракат қилиняпти. Жумладан, «Ал-Айн» университети мутахассислари билан биргаликда ўзбекистонлик бир гуруҳ арабшунослар янги Ўзбекистон ва унинг 10 йил давомида босиб ўтган йўли ҳақида араб ўқувчилари учун араб тилидаги янги китобни нашрга таёйрламоқдалар. Ўйлайманки, бу ишларда ҳам Олий Мажлис махсус комиссиясининг муайян ишларини бошқаришда, ана шундай ноёб бойликларни ҳам мамлакатимизга қайтариб олиб келиш ишларини ҳам ҳисобга олиб борсак, ана шундай муҳим тарихий манбаларни ҳам мамлакатимизга қайтариб олиб келиш чораларини кўрамиз ва ўйлайманки, бу ишларни яқин келажакда бажарамиз.

— Яқинда бир қатор араб мамлакатларида ҳам бўлиб қайтдингиз. Сафардан мақсад нима эди?

— Тўғри, жумладан, араб мамлакатларининг қалби, юраги ҳисобланган ва уларнинг энг йириги бўлган Миср Араб Республикасида бўлдик. Миср Араб Республикаси энг қадимий маданият марказларидан биридир. Шунинг учун ҳам бу ерда турли мамлакатлардан дунёнинг турли бурчакларидан санъат асарлари кўп минг йилликлар давомида оқиб, шу ерда жамланиб қолган. Қохира шаҳридаги йирик кутубхоналар ва музейлар бирлашмаларида ҳамда Миср Араб Республикасининг Искандария (Александрия) шаҳридаги маданий, маърифий, илмий муассасаларида Ўзбекистон тарихи, ўзбек халқининг маданиятига оид жуда муҳим манбалар сақланаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Уларнинг баъзиларидан ҳам нусхалар олиб келдик. Миср Араб Республикасидан олиб келинган санъат дурдоналари қаторида мен яна Камолиддин Беҳзоднинг ўз қўли билан ишлаган юксак санъат асарларидан олтитасини ҳам олиб келганимизни айтиб ўтмоқчиман. Гап шундаки, Қохира кутубхоналарининг бирида Саъдий «Бўстон»ининг қўлёзмаси сақланади. У энг гўзал қўлёзмалардан бири ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрича, султон Ҳусайн Бойқаро ўз кутубхонаси учун буни кўчиртирган экан. Демак, бу XVI асрнинг биринчи ярмида ишланган асар. Ушбу қўлёзмадаги олтита миниатюра Беҳзод томонидан яратилган. Ана шу олтита санъат асарларидан қўргазмалар учун мослаштирилган транспарент шаффоф нусхалар олиб келдик. У ердан Беҳзоднинг энг иқтидорли шогирдларидан бўлган миниатюрачи Муҳаммад Музаҳиб, Шайҳзода каби бир қатор дунёга донғи кетган, жаҳон даражасида оламшумул шуҳрат қозонган санъаткорларнинг мўйқалами билан битилган асарлардан ҳам намуналар олиб келишга муваффақ бўлдик. Уларнинг аҳамияти жуда чексиз, чунки миниатюралардан ташқари у ерда ишлаш, тўқиш, умуман халқимизнинг тўқимачилик санъати ҳунармандчилиги билан боғлиқ бўлган асарларнинг дурдона намуналари сақланар экан. Кунига юзлаб, минглаб одамлар бориб, улардан завқ олиб, баҳраманд бўлиб, ўзбек халқининг даҳосига тасанно айтиб келишади. Буларни биз, айниқса, ёшларимиз билиши даркор. Чунки ана шуларни тўғри идрок этсак, халқимиз, ёшларимизнинг онгига сингдирсак, демак, биз интилаётган баркамол жамият, порлоқ истиқболга эришишимиз мумкин бўлади.

Албатта, бу соҳадаги ишлар жуда кенг кўламли. Қадимдан маданият, илм-фан маркази бўлган жойлардан ташқари илму фаннинг янги марказлари шаклланаётган жойларни ҳам қидиряпмиз. Ана шулардан бири Бирлашган Араб Амирликларидир. Тахминан ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб жуда катта нефть конларининг кашф этилиши муносабати билан бу мамлакат тез суръатлар билан ривожланмоқда. Мамлакатда кечаётган жараёнларнинг энг муҳимларидан биттаси, у исломий мусулмон тарихи билан боғлиқ илмий манбаларни жамловчи асосий марказлардан бирига айланмоқда. Шу нуқтаи назардан Дубай шаҳрида фаолият кўрсатаётган бир неча марказлар бизнинг комиссиямизни қизиқтирар эди. Қолаверса, Бирлашган Араб Амирликларининг Ал-Айн шаҳрида жойлашган университет кутубхонасидаги манбалар ҳам бизни қизиқтирди. Шунинг учун ҳам биз бу мамлакатга боришга қарор қилдик. У ерда мутахассислар билан биргаликда бир неча кун изланишлар олиб бордик. Натижада шу нарса аён бўлдики, гарчанд бу мамлакатда ташкил этилаётган марказлар ҳали ёш бўлса-да, лекин уларда жамланган манбалар ҳозирнинг ўзидаёқ ўн минглаб нусхани ташкил этади. Уларнинг ичида мамлакатимиз учун жуда муҳим бўлган манбалар бор. Бундан-да муҳимроғи эса шу марказлар, муассасаларда иш

UZBEKISTANO-LIETUVOS BENDRA ĮMONE
«KLAINA TEKSTIL»
SVEIKINA
JO EKSELENCIJA PREZIDENTO
ISLAM ABDUGANIEVIČ KARIMOV
VIZITĄ Į LIETUVOS RESPUBLIKĄ IR NUO VISOS ŠIRDIES LINKI ABIPUSIAI NAUDINGŲ SANTYKIŲ, TARP UZBEKISTANO IR LIETUVOS, KLESTEJIMO!

«KLAINA TEKSTIL»
ЎЗБЕК-ЛИТВА ҚЎШМА КОРХОНАСИ
ПРЕЗИДЕНТ
ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИНИНГ
ЛИТВА РЕСПУБЛИКАСИГА САФАРИНИ САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ ҲАМДА ЛИТВА ВА ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО ФОЙДАЛИ АЛОҚАЛАРНИНГ ЯНАДА ГУЛЛАБ-ЯШНАШИГА ЧИН ҚАЛБДАН МУВАФФАҚИЯТЛАР ТИЛАЙДИ!



«PFAFF-SINGER»
САВДО УЙИ
ВА УНИНГ БОШ ДИРЕКТОРИ
ЖИДРУНАС СЕЙЛЮС

ПРЕЗИДЕНТ
ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВНИНГ
ЛИТВА РЕСПУБЛИКАСИГА ҚИЛГАН САФАРИ ЗАМИРИДА ЯНГИ МАЗМУН КАСБ ЭТАЁТГАН ЛИТВА ВА ЎЗБЕКИСТОН МАМЛАКАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО ФОЙДАЛИ ҲАМКОРЛИК ИЖОБИЙ САМАРАЛАР БИЛАН ШАҲДАМ ОДИМЛАЁТГАНЛИГИНИ ЛУТФАН ТАБРИКЛАЙДИ!

ТОРГОВЫЙ ДОМ «PFAFF-SINGER»,
В ЛИЦЕ ГЕНЕРАЛЬНОГО ДИРЕКТОРА
ЖИДРУНАС СЕЙЛЮСА,
ОТ ВСЕЙ ДУШИ ПРИВЕТСТВУЕТ ПРОДОЛЖЕНИЕ ВЗАИМОВЫГОДНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА МЕЖДУ ЛИТВОЙ И УЗБЕКИСТАНОМ ПОДКРЕПЛЕННОЕ ВИЗИТОМ
ИСЛАМА АБДУГАНИЕВИЧА КАРИМОВА
В ЛИТОВСКУЮ РЕСПУБЛИКУ!

ТАФСИЛОТ

КАРМАДОН ДАРАСИДАГИ ФОЖИА

ЁКИ СЕРГЕЙ БОДРОВДАН ДАРАК БОРМИ?



Кўринар-кўринмасдан асрасин. Шимолий Осетиядаги Кармадон дарасида ўтган жума куни рўй берган табиий офат нафақат россияликларни, бутун дунёни ларзага солди. Жумладан, ҳамюртларимиз ҳам бу даҳшатли фожиадан қаттиқ қайғурмоқда.

«Труд» газетасининг хабар қилишича, 20 сентябрь кечкурун соат 21.30 лар чамаси Колка музлигидан салкам 10 метр қалинликдаги 11 километрлик муз бўлаги ажралган. Бутун дара бўйлаб шиддат билан пастга отилган кўчки 33 километрлик масофани босиб ўтган. Қуйи Кармадон қишлоғи 90 метр қалинликдаги муз, балчиқ ва тошдан иборат қатлам остида қолиб кетган. 3 қаватли «Кармадон» санаторийси, Шимолий Осетия давлат университети ва Адлия вазирлигининг дам олиш масканлари вайронага айланган. Узунлиги 1,5 километрлик электр узатгич линияси ва қурилаётган газ қувури тармоғи яксон бўлган. Майрам, Кани, Тоғли Саниба, Кобань ва Тмен аҳоли истиқомат жойлари ташқи дунёдан узилиб қолган. Музлик уюмининг устки ва остки қисмлари эришидан ҳосил бўлган иккита кўл сув тошқини хавфини туғдирмоқда.

Табиий офат рўй беришига сабаб нима? Россиялик олимлар фикрича, Колка музлигидаги муз қатлами кейинги пайтда сезиларли даражада қалинлашган. Гап шундаки, ўтган қишда кўп қор ёққан, боз устига ёз ҳам серёғин келган. Равшанки, бундан музлик «семирган». Натижада музликдан унинг бир қисми бўлиниб, қулаган. Муз, лой ва балчиқдан иборат оқим шиддат билан пастга ёпирилган.

Ҳозир кўпчиликни хўш, офатнинг олдини олиш мумкин эдими, деган савол қизиқтирмоқда. Агар музлик мунтазам назорат қилиниб, ўлчовлар олиб борилганида, кўчки хавфидан огоҳ бўлинарди ва энг муҳими одамлар ҳаёти сақлаб қолинарди.

Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлиги матбуот хизматининг маълумотларига кўра, кўчки натижасида 95 киши дом-дараксиз йўқолган. Бу тахминий рақам. Чунки фавқулодда вазиятлар рўй берган жойда бўлган одамлар қариндошларидан аризалар тушиши давом этмоқда. Таниқли киноактёр, режиссёр кичик Сергей Бодров бошчилигидаги суратга олиш гуруҳининг тақдири ҳам номаълумлигича қолмоқда. Машҳур сценарийчи ва режиссёр Сергей Бодровнинг ўғли Сергей Бодров «Брат» ва «Брат-2» фильмлари, шунингдек, «Сўнгги қаҳрамон» телекўрсатувиларидан ўзбек мухлисларига ҳам яхши таниш.

Кичик Сергей Бодров ўзининг янги фильмини суратга олиш учун Шимолий Осетияга келган эди. «Алоқачи» деб номланган фильм муҳаббат ҳақида бўлиб, суратга олишлар тоғларда ўтиши керак эди. Бунинг учун узоғи билан бир ҳафта кетарди. Исталган бошқа вақтда суратга олса ҳам бўларди. Афсуски, тақдир тақозоси билан кинога олиш гуруҳи фожиа рўй берган куни дарада бўлган.

Истеъдодли актёрнинг мухлислари умид билан хабар кутишмоқда. Ахир у ўйнаган қаҳрамонлар уддабурон, тегирмонга тушса бутун чиқишига томошабинлар ўрганиб қолишган. Дарвоқе, у яқинда ўйнаган «Уруш» фильмидаги қаҳрамони ҳам чорасиз вазиятдан чиқиб кетиб, наинки ўзини, балки дўстларини ҳам қутқаради...

Қутқарув ишлари давом этмоқда. У ерда 500 га яқин киши, 100 га яқин техника ва учта вертолёт ишламоқда. Фожиа тафсилоти ҳақида газетамизнинг кейинги сонларида ҳам маълумотлар бериб борамиз.

■ **Алишер РЎЗИЕВ тайёрлади**

ҚЎШИМЧА САРФЛАР ЗАРУР

Террорчилик гуруҳларини йўқотиш бўйича операцияларда иштирок этаётган Америка армияси саралланган қисмларининг қўмондонлиги терроризм ва «Ал-Қаида» қатнашчиларини топиш учун қўшимча сарфлар зарурлигини билдирган. АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари генерали Чарлз Холлэнд Пентагонга йўллаган маърузада бунинг учун яқин беш йил мобайнида қўшимча 23 миллиард доллар ажратилишини сўраган. Генерал АҚШ армияси марказий қўмондонлигининг махсус операциялар бўлими раҳбари ҳисобланади.

«МИ-26» ҲАЛОКАТИ ТАСВИРЛАРИ КЎРСАТИЛДИ

Туркиянинг Turkish CHA Agency ахборот агентлиги Россия «Ми-26» вертолётининг Чеченистондаги ҳалокати видеосуратлари тасвирларини тарқатди. Оператор вертолётнинг уйлар узра парвозини, портлаш ва машинанинг қулашини тасвирга олган. Сўнгра, видеоёзувда Чечен сепаратчилари раҳбари Аслан Масхадовнинг ўзи намоён бўлади. У амалда ана шу террорчилик ҳуружи учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

САНОАТ ЖОСУСЛИГИ УЧУН

Федерал тергов бюроси агентлари Хитой давлат нефть компаниясининг ходими Шан Ян Минни ҳибсга олди. У 2002 йил апрелидан бошлаб Американинг Силикон воҳасида жойлашган фирмасида амалиётда бўлган эди. Битимга кўра, у компаниянинг баъзи дастурлари билан ишлашни ўрганаётганди.... Минь ер ости нефть қазилмалари харитасини чизувчи қимматбаҳо дастурни ўзлаштиришга уринганликда айбланмоқда.

МАКТАБ ЎҚҚА ТУТИЛДИ

Кот-д Ивдардаги Боуэйк шаҳридаги мактаб қўзғолончилар томонидан ўққа тутилган. Миссионерлар болалари мактаби директори Джеймс Форлайнснинг маълум қилишича, қўзғолончилар тўсиқни бузиб, мактаб ҳудудини ўққа тутган. Гарчи болаларга қарата отишмаган бўлсалар-да, бу уларнинг ҳаётини хавф остига қўйган, деб таъкидлади директор.

АГАР ОВ ТАҚИҚЛАНСА...

Шаҳзода Чарльз агар унинг севимли машғулоти бўлган тулкиларни овлаши тақиқлангудек бўлса, Буюк Британиядан кўчиб кетишини маълум қилган. Бу ҳақда шахси сир тутилаётган юксак мартабали бир сиёсатчи гапириб берган. Англияда чиқадиган қатор газеталарнинг ахборотига кўра, шаҳзода Тони Блэрга ҳукуматга таъсир ўтказиш ва овни тақиқламаслик тўғрисида илтимоснома ёзган.

МИЛЛИЙ КУТУБХОНАДАГИ ЎҒИРЛИК

Грознийдаги Чеченистон миллий кутубхонасида ўғирлик юз берди. Ўтган кечаси жиноятчилар кутубхона деразаси панжарасини бузиб, қимматбаҳо ва нодир саналган китоблар нусхаларини ўғирлаб кетишган. Жиноят рўй берган жойда тергов гуруҳи ишламоқда. Келтирилган зарар ҳисоб-китоб қилинмоқда.

УЧ МИЛЛИОНТА «МИЛЛИОНЕР»

Яқин 50 йилда «соатли миллионерлар», яъни дунёда 1000000 соатдан ёки 114 йилдан ортиқроқ яшаган одамлар сони миллионларни ташкил этар экан. БМТнинг аҳолишунослик бўйича етакчи мутахассиси Жозеф Чамининг хулосаси ана шундай. Унинг тахминига қараганда, инсоният тарихида илк бор 2050 йилда 60 ёшлик маррадан ўтган одамлар сони 15 ёшга тўлмаганлар сонидан ўзиб кетади. Ҳозир ёши 60 ва ундан ортиқ бўлган одамлар сони 629 миллионни ташкил этиб, ушбу рақам бошланган асримизнинг ўрталарига келиб 3 карра ошади. Дарвоқе, 100 ёшлик одамлар сони ҳозир 210000 тани ташкил этмоқда. Дастлабки баҳога кўра, 50 йилдан сўнг уларнинг сони 3 миллиондан ошади.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

16,18,20 сентябрь кунлари ўтказилган биржа савдоларида 2 та кўчмас мулк — 2 500 000 сўмга, 22 та автотранспорт воситаси — 4 490 000 сўмга сотилди.
Жами савдо натижалари: 6 990 000 сўм

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.

СООБЩЕНИЕ О СУЩЕСТВЕННЫХ ФАКТАХ ОАО
«O'ZMETALLSAVDO»

Порядковый номер сообщения — 06
Появление в реестре ОАО «O'ZMETALLSAVDO» юридического лица, владеющего 35 и более процентами ценных бумаг.
Полное фирменное наименование юридического лица: Компания «Y.D.LLC» (США).
Почтовый адрес: 1220 N. Market Street Suilr/606. Wilmington DE 19801.
Дата: 18 сентября 2002 года.
Обстоятельства: Частичное погашение кредиторской задолженности ОАО «O'ZMETALLSAVDO» на основании определения Хозяйственного суда города Ташкента от 02.08.2002 г. по делу о банкротстве № 10-0213/216, утвердившего заключенное между должником (ОАО «O'ZMETALLSAVDO») и кредиторами (Компаниями «Y.D.LLC» и «Eurasia Trans LLC» (США) мировое соглашение от 22.07.2002 г. и решения Государственного комитета Республики Узбекистан по демонополизации и развитию конкуренции № Р-05-9/15 от 08.07.2002г.

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

«ИЛМ ЎЗ АСЛИҒА, АЗАЛСИЗ ПОДШОҲЛИҚДУР»

Одамзод борки, бу ёруғ дунёга меҳмон эрур, фақат бошимиз узра нур сочиб турган куёш, ой, беҳисоб юлдузлар дунёси мангудир. Аммо дунёда шундай донишманд инсонлар борки, уларнинг фан, маърифат соҳасидаги қилган кашфиётлари, улкан оламшумул ишлари абадий қолур, йиллар, замонлар ўтса ҳам халқ фикри-ёдида, дилида сақланур. Фанимиз фидойилари, донғи етти иқлимга кетган олимларимиз ҳақида гап кетса, каттами, кичикми, ҳар қандай даврда академик Обид Содиқович Содиқов биринчилардан бўлиб хотирланади. Биз уни жуда ҳам яхши билардик, меҳр-икром ила ҳурмат этардик, эл-юртда беқиёс эъзоз ва эҳтиромга эга, кимё соҳасида тенги йўқ олими замон эдилар.

Унинг ҳаёт йўли шонли ва мураккаб. Дорилфунуннинг кимё факультети, аспирант, илмий ходим, номзодлик, докторлик диссертациялари ёқлаш, кафедра мудири ва ниҳоят Тошкент давлат университетининг ректори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Президенти... Энг муҳими олийжаноб инсон.

Маълумки, Ўзбекистон қадимдан кимё илмининг ривож топган маволаридандур. Бутун жаҳонга машҳур бўлган шарқ алломалари: Жобир ибн Ҳайём, Ал-Хоразмий, Ал-Фаробий, Ал-Беруний, Ибн Синолар кимё илми билан ҳам ҳар тарафлама чуқур шуғулланганлар, тадқиқотлар олиб борганлар. Биз ота-боболаримиз меросини авайлаб сақлаб, Ўзбекистонимизда бу ноёб фан ривожи, камоли йўлида кўп ибратли ишларни амалга оширдик. Кейинги йилларда кимё илмининг турли соҳалари билан шуғулланувчи ажойиб олимлар авлоди етишиб чиқдики, улар билан барчамиз фахрланамиз. Академиклар: Собир Юнусов, Малик Набиев, Шукур Толипов, Ҳамдам Усмонов, Карим Содиқов, Хусни Рустамов ва бошқа юзлаб кимёгар олимларимизни дунё тан олган. Обид Содиқов ана шу кимё илми намояндаларининг сардори эди, десак хато бўлмас. Чунки у катта кимёгар олим бўлиш билан бирга республика фанлар академиясининг обрў-эътиборли президенти ҳам эди. Шу олий лавозимда йигирма йилга яқин жон куйдириб ишлади. Ўша йиллари кимё фани янги-янги тадқиқотлар, кашфиётлар билан бойиди. Кимё фанида иккита катта мактаб: «Обид Содиқов мактаби» ҳамда «Собир Юнусов мактаби» вужудга келган эди. Гўё бу икки мактаб ўртасида катта илмий-ижодий мусобақа борарди. Ана шу жараёнда биоорганик ва органик кимё илми соҳасида юзлаб иқтидорли кимёгар кадрлар етишиб чиқдики, улар ҳозирга қадар бу ноёб соҳада катта илмий-тадқиқот ишлари билан самарали шуғулланмоқдалар.

Обид Содиқов биоорганик ва табиий бирикмалар кимёси соҳасида тиним билмай илмий-тадқиқот ишлари олиб борди. Унинг докторлик диссертацияси ҳам «Анабазис алкалоидлари кимёси» мавзуида эди. Мазкур мавзу янгилиги билан жаҳон кимё адабиётининг кашфиёти бўлган эди. Олим никотин ва анабазин типидаги алкалоидларни аксизлаш ҳамда парчалаш учун хлорли алюминийдан фойдаланди. Анабазиннинг иккита энг муҳим алкалоиди: лупинин билан анабазинни айиришнинг энг чиройли ва оддий усулини топди.

Маълумки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг асосий соҳаларидан бири пахтачиликдир. Собиқ иттифоқ даврида миллион-миллион тонна пахта териб олинарди-ю, асосий ҳомашё Россияга арзон баҳоларда олиб кетиларди. Ўзбекистон иттифоқнинг пахта кони дейиларди. Пахтанинг чиқиндиларидан фойдаланилмасди. Обид Содиқов бошчилигидаги кимёгарлар ғўза барги, чигити, қобиғи, гули, ғўзапоясидан турли юқори молекулали углеводородлар, спиртлар, стеренлар, бир қанча зарур витаминлар ажратиб олиб, уни халқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланиш йўлларини кашф этдилар. Айниқса, ғўза баргидан олинган лимон ва олма кислотаси, уни қайта ишлаш туфайли миллион-миллион сўмлаб фойда олинди.

Обид Содиқовнинг издошлари, шогирдлари ҳозирги кунда ҳам устоз йўлидан бориб, кимё фани ривожига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Жумладан, олимнинг содиқ шогирдлари: Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти Тоҳир Орипов, Биоорганик кимё институтининг директори академик Шавкат Солиҳов, Фанлар академияси генетика институтининг директори академик Абдусаттор Абдукаримов, фан ва технология маркази раисининг биринчи ўринбосари Али Охунов, академик Абдували Абдуваҳобов, кимё фанлари докторлари Аминжон Исмоилов, Шавкат Қосимов, Давронбек Долимов каби фидойи мутахассислар кимё фани ривожига катта ҳисса қўшмоқдалар.

Обид Содиқов хотираларини ёзиш давомида Тошкент давлат университети ректори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Президенти бўлиб ишлаган, ҳозирги кунда Фанлар академиясининг математика институтини бошқараётган таниқли олим, академик Тўхтамурод Жўраев билан суҳбатлашиб қолдим.

— Биз Обид Содиқовнинг шогирдларимиз. Математик бўлсам ҳам бу ажойиб инсондан кўп нарса ўрганганман. Ректорлигимда ҳам, академияга президент бўлиб ишлаганимда ҳам бирор мушкул масалани ҳал этиш зарур бўлиб қолса, Обид ака бу ишни қандай ҳал қиларди, деб устозга маслаҳат қилгандай бўлардим. Чунки Обид Содиқов академияга энг кўп раҳбарлик қилган эди.

Ёдимдан чиқмайди, ул олий зот президентлик қилганда институт директори сифатида хузурларига кирганимда барча масалаларни аниқ, пухталик билан ҳал этиб берар, мабодо ҳал этиш мумкин бўлмаса, кўнглингизни кўтариб, ишонтириб чиқариб юборар эдилар.

У киши кўпинча: илм-фан ҳалоллиги севади, сидқидил бўлиш керак, қунт-сабр билан илм қилмоқ даркор, олим бўлсанг олам сеники, — дер эдилар. Обид ака ўзининг бутун сермазмун ҳаётида тўрт юздан ортиқ рисола ёзган. «Органик кимё» китоби ҳозирга қадар олий ўқув юртларида дарслик сифатида фойдаланиб келинмоқда. Унинг республикамиз, хориж мамлакатлари матбуотларида, илмий-текшириш институтлари вестникларида босилган илмий мақолаларининг саноғи йўқ. Чет элларда ҳам Обид Содиқовни яхши билишарди, Германия, Америка Қўшма Штатлари, Франция, Ҳиндистон ва бошқа кўп давлатларда ўтган халқаро илмий конференцияларда фаол қатнашган, маърузалар қилган.

Ёдимда, олтмишинчи йиллар эди... Эрта билан редакцияга эндигина келиб турган эдим, бирданига қўнғироқ бўлиб қолди.

— Мен Обид Содиқовман...

Сўрашдик. Обид ака камтарлик билан, илтимоснома оҳангида гапирди:

— Ука, бир масала билан қўнғироқ қилмоқдаман. Бизга машҳур олим Мистислав Всеволодович Келдиш меҳмон бўлиб келган. Ўзингиз биласиз, у киши Академиянинг президенти, жаҳонга машҳур олим. Бирор хўжаликка олиб чиқсак, деган маслаҳат бўлди. Қибрайдаги «Қизил Ўзбекистон» колхози газетангиз оталиғида деб эшитгандим. Меҳмонни ўша ерга олиб борсак, нима дейсиз?

Дарвоқе бу хўжалик республикага машҳур эди, унга Абдужамил Матқобулов деган олийжаноб инсон раислик қиларди. Хуллас, учрашувга фотомухбиримиз Абдусаттор Тўраевни ҳам олиб эртароқ йўлга тушдик.

Сабабики, «Қўй сўйиб чақирсангиз ҳам келмайдиган» шундай аллома ташрифини газетамизда ёритишимиз ҳам керак эди.

Борсак идора орқасидаги чорбоққа катта стол қўйилиб, дастурхон ёзилибди. Ёнида катта ҳовуз. Тўкин дарстурхон атрофида ҳазилмутойиба гапларнинг кети узилмайди. Обид ака, жуда хушчақчақ одам эмасми, қизиқ-қизиқ ҳангомалар айтиб, ҳаммамизни кулдирарди. Бир-икки қадаҳ кўтарилгандан кейин Келдишнинг қулфи-дили очилиб, Ўзбекистон ҳақида, олимлар тўғрисида кўп ибратли сўзлар айтди. Келдиш биз ўтирган столдан нарирокда тўлиб-тошиб турган катта сарҳовузга қараб, болалик йилларини эслаб кетдими, шартта ўрнидан турди-да, дарахт орқасига ўтиб, шоша-пиша кийим-бошларини еча бошлади. Обид ака ҳайрон, «нима гап», деб меҳмоннинг ёнига бормоқчи бўлган эди, Келдиш бирданига ҳовузга калла ташлаб қолса бўладими. Барчамиз ҳанг-манг бўлиб қолдик. Бир нарса бўлмаса эди, деб хавотирдамиз. Ҳовузнинг таги балчиқ эди. Чуқурлиги қанчалигини ҳам билмасдик. Келдишнинг хавфсизлигини қўриқлаш учун келган соқчилар ҳовлиққанча югуриб қолишди. Обид Содиқов ҳовуз бўйига бориб не қиларини билмай турарди. Ҳартугул Келдиш ҳовузнинг нариги четидан сузиб чиқди. Бошига сув ўтлари илиниб қолган эди. Боя ҳадиқда турган даврада кулги кўтарилди. Айниқса, Обид Содиқов ҳеч ўзини кулгидан тута олмасди.

— Қойил, қойил... агар ҳовуз саёз бўлганда нима бўларди? — деди сўнгра Обид ака.

— Хавотир олманг, бунақа ҳовузларда кўп чўмилганман. Бир болалигимни эслаб қўйдим-да, — деди соддадил олим.

Яна суҳбат бошланди. Келдиш ўзбек олимлари, хусусан, Обид Содиқов ҳақида кўп самимий гаплар айтди. Саъди Ҳасанович Сирожиддинов ҳақида айтганлари ҳеч эсимдан чиқмайди: «У ўзбекнинг ҳақиқий донишманд ўғлони, уни эҳтиёт қилинглар».

Ўша куни Келдиш Обид Содиқович билан бирга республикамиз вилоятларига жўнаб кетди.

Ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмас экан, бу ҳақиқат. Ўзбекистон халқларининг саксонинчи йилларда бошига тушган мусибатли кунлар ҳеч қачон қайтиб келмасин. Ўша кезлари Обид Содиқовичнинг ҳам ҳаётида аянчли кунлар бошланган эди: бир томондан оғир хасталик олимни жисмонан қийнаса, иккинчи томондан у ўзига бўлаётган адолатсизликлардан маънавий эзиларди. Эсимда, 1984 йил сентябрда ҳеч кутилмаганда Ўзбекистон Фанлар академиясининг умумий йиғилиши чақирилди. Шу мажлисда Обид Содиқов «ўз аризасига биноан» истеъфога чиқди. Тўғриси уни шундай қилишга мажбур этишди.

Аммо олимнинг мустаҳкам иродасини бука олишмади. «Дўстларингни қанчалигини, амалдан тушгандан сўнг биласан», дейди бобокалонларимиз. Обид аканинг содиқ дўстлари кўп экан. У ёлғиз қолмади, юзлаб шогирдлари, қадрдон дўстлари оғир дамларда уни эъзоз-лаб, кўнглини кўтаришарди. У ҳақиқий олим бўлганлиги учун ўз севган кимё институтида илмий ишларга берилиб кетди. Фақат илм, илм билан шуғулланди.

Доноларимиздан бири Васлий Самарқандий шундай деган экан: «Илм ўз аслиға, азалсиз подшоҳликдур». Зеро, Обид Содиқов инсон сифатида камтар ҳаёт кечирди, ўзига қаср қурмади, бойлик тўпламади. Лекин ундан унча-мунча подшоҳлик хазинасидан устун бойлик қолди. Бу — унинг фанда яратган бебаҳо кашфиётлари, илмий китоблари, иқтидорли шогирдлари.

Истиқлолимизнинг ўн бир йиллиги арафасида заҳматкаш олим «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланганлиги бутун илм аҳлини беҳад хурсанд айлади. Чунки Обид ака кўнгли ҳамиша эзгуликка мойил, жуда ҳам хушчақчақ, каттагами, кичикками, барчага баб-баравар ўта камтарин инсон эди. Биз қўшни бўлганлигимиз учун олимнинг хонадонига чиқиб турардим. Турмуш йўлдошлари Қундуз опа очиқ чеҳрали, дилбар аёл эдилар. Қийин пайтларда дардкаш, ҳақиқий маслаҳатгўйи, меҳрибон шифокори ҳам шу лобар аёл эди. Уч фарзанд: икки ўғил, бир қизни ҳалол тарбиялаган муқаддас бир оила эди.

Ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида Обид Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти музейида бўлдим. Унда алломанинг ҳаёти, илмий ишлари билан боғлиқ ҳужжатлар, китоблар, суратлар, олимнинг шахсий қўлёзмалари ва бошқа ашёлар сақланган. Кўргазмага қўйилган материалларни кўздан кечирар эканмиз, бир ҳужжат айниқса, эътиборимизни тортди:

«Обид Содиқович Содиқов космик телевидениени ривожлантиришдаги хизматлари учун учувчи-космонавт Ю.И.Гагарин медали билан мукофотлансин.

№16. 9 декабрь 1983 йил»

Боисини суриштирдик. Бизни музейга бошлаб келган Обид аканинг севимли ўғли, кимё фанлари доктори, профессор, Миллий университет кимё факультетининг декани Алишер Обидович Содиқов шундай деди:

— Бу ноёб медаль отамга космосдаги ернинг тортиш кучидан халос бўлган шароитда ўта соф моддалар яратишдаги бир қанча илмий ишлари учун берилган. Бу ҳужжат илгари ҳеч кимга кўрсатилмаган, махфий эди... Ҳа, ҳаёт ўзгарди, тузумлар ҳам. Эски ғоялар ўрнига янги мафкуралар пайдо бўлади. Аммо олимлар яратган кашфиётлар, ақл-заковат маҳсули бўлган асарлар, одамларга қилган яхшиликлар унутилмайди.

■ **Мақсуд ҚОРИЕВ**

СПОРТ

14th Asian Games BUSAN 2002

ПУСАНГА ЖЎНАБ КЕТИШДИ

Кеча Ўзбекистон спорт делегацияси Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида бўлиб ўтадиган XIV Осиё ўйинларида иштирок этиш учун жўнаб кетди. Мазкур сафар олдидан Миллий Олимпия қўмитаси президенти Собиржон Рўзиев билан оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

— Қитъа олимпиадаси саналган мусобақада 43 давлат вакиллари қатнашиши кутилмоқда, — деди МОҚ президенти С.Рўзиев. — Спортчиларимиз бу гал дастурдаги 38 турнинг 23 таси бўйича ғолиблик учун кураш олиб боради. Бокс, юнон-рум ва эркин кураш, мерганлик, эшкак эшиш ва каноэ, енгил атлетика турлари бўйича вакилларимиз фақат чемпионлик учун майдонга чиқишади. Шунингдек, стол тенниси, каратэ, камондан ўқ отиш баҳсларида илк маротаба қатнашаётганимизга қарамай спортчиларимиздан умид катта. Энг муҳими, Осиё ўйинларида умумжамоа ҳисобида кучли бешликдан жой олишни мақсад қилиб қўйганмиз.

Осиё ўйинлари 29 сентябрдан 14 октябргача давом этади.

ЎН ОЛТИНЧИ ҒАЛАБА

Ўтган ҳафта профессионал боксчимиз, жаҳоннинг кўп карра чемпиони Артур Григорян ўзининг навбатдаги жангини ўтказди.

Ҳамюртимизнинг навбатдаги рақиби италиялик Стефано Зофф бўлди. Агар Зофф мазкур жангни ўз фойдасига ҳал этса, олтин камарни қўлга киритиши лозим эди. Аммо у Артурга бас кела олмади. Кетма-кет ўн беш учрашувни ғалаба билан якунлаган ҳамюртимиз бу сафар ҳам зафар қучди. Ўн олтинчи ғалабанг муборак, Артур!

ОМАД ЧОПМАДИ

Ўсмирлар ўртасида БААда ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси ярим финалга чиққанлигини хабар қилгандик. Афсуски, кейинги икки учрашувда вакилларимизга омад кулиб боқмади.

Дастлаб улар Жанубий кореялик тенгдошларига (0:4) имкониятни бой беришди. Учинчи ўрин учун Хитой ўсмирлар терма жамоаси билан кечган кескин баҳсда ҳам вакилларимиз имкониятни бой беришди. — 0:1. Кураш тенгма-тенг борди, баъзи ҳолларда вакилларимиз устунлик ҳам қилишди. Афсуски, ҳимоячиларимизнинг биргина хатоси жамоага қимматга тушди.

Келгуси йили Хельсинки(Финляндия)да бўладиган жаҳон чемпионатига йўлланма Жанубий Корея, Яман ҳамда Хитой ўсмирлар терма жамоаларига насиб этди.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

ЮРТИМИЗ ПАХТАКОРЛАРИ, ДЕҲҚОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

«ПАХТА БАНК»

2002 ЙИЛ 20 СЕНТЯБРДАН ЭЪТИБОРАН, 1 НОЯБРГАЧА

бўлган давр мобайнида *7 ОЙ* муддатга очилиб, йиллик *45 ФОИЗ* даромад тўланадиган

«ҲОСИЛ» жамғарма омонатини таклиф этади.

Ушбу омонатга маблағингизни «Пахта банк»нинг исталган бўлимига қўйишингиз ва ҳар ойда фоизли даромадингизни олиб боришингиз мумкин.

Тўлиқ маълумот учун телефонлар: 173-25-56, 78-10-32.

ХИРМОНИНГИЗ БАРАКАЛИ БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

«ПАХТА БАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 871
uzb.ovozi@sarkor.uz.
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.30
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA